

Дактилоскопик экспертизаларнинг замонавий имкониятлари

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЭКМ ва унинг ҳудудий бўлимлари фаолиятида дактилоскопик экспертизаларни сифатли ўтказилишини таъминлашда компьютер технологияларидан фойдаланиш катта самара бермоқда.

Мазкур компьютер технологиялари эксперт-криминалистик хизмати фаолиятида изларни АДИТга тезкор равишда киритиш, папилляр чизиқлар тасвирларини, уларга кимёвий моддалар билан ишлов бермасдан принтердан чиқариш, мураккаб изларга тез ишлов бериш каби вазифаларни бажаришда қўлланилмоқда. Ушбу вазифаларни самарали ҳал этиш, мутахассисларнинг иш вақтини тежайди, экспертларнинг тезкор ҳаракатчанлигини оширади, эксперт-криминалистика хизматининг иш самарадорлигини юксалтиради. Масалан, кўрилаётган бирон-бир жиноят иши бўйича жабрланувчининг шахси номаълум бўлиб, терговнинг бошланғич даврида аниқланмаган бўлса, уни қўл ва бармоқ излари бўйича дактилокарта тузилади ва рўйхатга олинади. Дактилокартада ташқи қиёфа белгилари, айрим кўзга ташланадиган белгилар кўрсатилади. Ҳозирги кунда ИИБ Ахборот маркази ёки Эксперт-криминалистика хизматида мавжуд «АДИТ-ПАПИЛОН» ва «АДИТ-СОНДА» автоматлаштирилган компьютер дастурий тизимидан фойдаланиб, унинг шахси аниқланади. Ахборот маркази ёки криминалистик ҳисоблар (жумладан автоматлаштирилган идентификацион тизим) маълумотлари асосида бедарак йўқолганларнинг шахслари таққосланиши ҳам яхши самара беради.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг жиноятларни очиш ва тергов қилиш бўйича асосий вазифаларидан бири - жиноятчиликка қарши кураш амалиётига илмий методлар ва техник воситаларни кенг жорий қилиш ҳисобланади. Ушбу метод ва воситалар орасида, криминалистиканинг, жиноят содир этган шахсларни аниқлаш ва қидириш тадбирларини самарали амалга ошириш имконини берадиган илғор ютуқлари муҳим аҳамият касб этади. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маҳоратларининг ортиши, улар томонидан жиноятларни очишнинг такомиллашган илмий методларини ўрганишлари натижасида, жиноятчиларни фош этиш учун излар ва бошқа ашёвий далиллар, шу жумладан ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда аниқланадиган қўл бармоқ изларидан унумли

фойдаланиш самарадорлигини янада юксалтиради.

Қўл бармоқ излари муҳим қидирув материали ҳисобланади. Ушбу излар жиноят содир этган шахслар ва гумон қилинувчиларни аниқлаш ва текширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширишга имкон яратади. Папилляр нақшларнинг аниқ ифо- даланган алоҳидалиги, шахсларни криминалистик идентификация қилиш (айнанлигини аниқлаш)нинг асосини ташкил этади.

Таъкидлаш жоизки, дактилоскопик маълумотлардан нафақат жиноятларни очиш ва тергов қилишда, балки жанговар ҳаракатлар даврида, авиаҳалокатлар ёки бошқа ҳалокатларда ҳалок бўлганларни шахсини аниқлаш мақсадида ҳам фойдаланиш мумкин.

Одам қўл ва оёқ излари одамнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради ва жиноятнинг қуйидаги шароитлари ва ҳолатларини аниқлашга имкон берадиган ахборотларни олишга таъсир кўрсатади:

1) текширилаётган жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган шахслар доирасини аниқлаш;

2) маълумотлар банки ва дактилоскопик ҳисоблар ёрдамида жиноятчини аниқлаш;

3) очилмаган жиноятлар субъектини аниқлаш, яъни бошқа жиноятни содир этган ва ушланган жиноятчини, илгари, ҳодиса содир бўлган жойда қолдирган изларига кўра аниқлаш;

4) ҳодиса содир бўлган жойда излар қолдирган шахснинг анатомик, ёши ва бошқа функционал хусусиятларини аниқлаш;

5) бир шахсни бир неча жиноятларни содир этганлигини аниқлаш;

6) шахсни ҳодиса содир бўлган жойдаги объектлар билан таъсирлашиш ҳолатини аниқлаш;

7) жиноятчининг, ҳодиса содир бўлган жойдаги ҳаракатларининг мазмуни ва кетма-кетлигини аниқлаш;

8) жиноятни содир этишда иштирок этган шахсларнинг сонини аниқлаш;

9) шахси номаълум мурдалар ва бедарак йўқолганларнинг шахсини аниқлаш.

Жиноятчиликка қарши курашишни криминалистик ва бошқа турдаги маълумотлар билан таъминлаш жараёнининг юқорида таъкидланган барча имкониятларига қарамасдан, ушбу соҳада ҳам айрим камчилик ва муаммолар учраб туради. Чунки, криминалистик ҳисобларнинг янги турларини вужудга келиши ёки улардан бирортасининг бартараф этилиши жиноятчиликка қарши курашиш амалиётининг эҳтиёжларига боғлиқ. Айнан шу туфайли айрим криминалистик

ҳисоблар ҳанузгача сақланиб қолган, айримлари эса бирмунча вақт давомида қўлланилади, кейинчалик эса ёки қайта ташкил этилади (ўзгартирилган ҳолатда) ёки ишлатилмай қўйилади. Бундан ташқари ушбу соҳага оид махсус адабиётларда жиноятчиликка қарши курашишни криминалистик маълумотлар билан таъминлаш жараёнлари, амалиётда юз бераётган илғор тажрибалар назарияда жуда кам ёрилади. Шу боисдан, дактилоскопик ҳисобларни юритишнинг илмий ва ҳуқуқий асослари, эксперт-криминалистика хизматининг дактилоскопик ҳисоблари, ҳисобга қўйилиши лозим бўлган шахсларни бармоқ изларини олиш тартиби, бармоқ изларини олиш техникаси ва методикаси ҳамда экспертизаларни ўтказиш ва дактилоскопик ҳисобларни юритишда автоматлаштирилган дактилоскопик идентификацией тизим (АДИТ-ПАПИЛОН)дан фойдаланиш масалаларини алоҳида ўрганишга эҳтиёж сезилади.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида «ПАПИЛОН» АДИТдан самарали фойдаланилмоқда. Ушбу самаранинг асосий факторларидан бири ундаги мобиль тизимларнинг мавжудлиги ҳисобланади.

Мобиль «ПАПИЛОН» АДИТни қўллаш қуйидаги кўпгина вазифаларни ечиш имкониятини беради:

- меҳнат сарфини қисқартириш ва тезкор хизматларга тақдим этиладиган, ўта аниқ ва ўз вақтидаги маълумотлар ҳисобига жиноятларни фош этиш ва тергов қилиш самарадорлигини ошириш;

- тирик шахслар, шунингдек, шахси номаълум мурдаларни бир нечта қўл бармоқ излари орқали, бир дона изнинг кичик фрагменти орқали ҳаттоки сезиларли ўзгаришларда ҳам шахсини аниқлаш имконияти;

- АДИТ базасидаги дактилоскопик маълумотларни, дактилоскопик ҳисобга қўйишда ва тезкор сўровларни бажаришда автоматик текшириш;

- дактилоскопик маълумотларни ҳисобга қўйишда, қайта ишлашни тезлаштириш ва сўровларга жавоб бериш вақтини қисқартириш;

- дактилоскопик ҳисоблар унумдорлигини ошириш;

- «тирик» сканер - бўёқсиз қўл изини олиш оптоэлектрон мосламасини татбиқ этиш орқали, келаётган дактилоскопик маълумотлар сифатини яхшилаш.

Ушбу тизим сканерловчи қурилмадан ташқари олиб юриладиган компьютер билан жиҳозланган. Бу компьютер дактилоскопик автоматлаштирилган тизим билан ер сунъий йўлдоши алоқаси ва GSM стандартидаги уяли телефон алоқаси асосида уланган. Уяли телефон алоқасида модем орқали маълумотларни узатиш тезлиги 9,6 кбит/сек,

ер йўлдоши алоқасидаги Inmarsat русумидаги модем орқали узатиш тезлиги 144 кбит/секундни ташкил этади. Бу эса бармоқ изи нусхаси- ни 10-30 секунд оралиғида узатиш имконини беради. Сўровни қайта ишлаш вақти маълумотлар базасининг ҳажми ва компьютернинг қуввати билан аниқланади. Масалан, 100000 та дактилокартани 3 ГГцли компьютерда текшириш учун 2 минут вақт сарфланади.

Тизиминг жиҳозланиши (жиҳозлари). Махсус мақсадли дастурий-техник мажмуа базасида юритиладиган «ПАПИЛОН» автоматлаштирилган дактилоскопик информацион тизим (АДИТ) «NE2000» тармоқ платали «PC1 P 100 (133)/16/540/3,5/SVGA1/14 0,28» компьютер мажмуидан иборат (бир компьютерли вариантыда 10000 тагача дактилокарта). Ушбу «мажмуаининг базаси «SCSL» назоратли «HDD 1(4) gb SCSL-2 Pa81»дан ташкил топган, мажмуга «HPSL III p (600 dpi)» русумли сканер, «UPS Smart 400 (600) BA» узлуксиз манба ва «(600 dpi) HPZL 5L с cable Centronics» русумли лазер принтери ўрнатилади»⁴⁰.

Тизимнинг мақсади. «ПАПИЛОН» автоматлаштирилган дактилоскопик информацион тизим (АДИТ) «СОНДА» автоматлаштирилган дактилоскопик информацион тизимдан фарқли равишда қўл бар-моқ ва кафт излари папилляр нақшлари бўйича қуйидаги тўрт турдаги текширишларни ўтказиш имконини беради:

- ҳисобга олинган дактилокарталар бўйича - шахси номаълум шахсларнинг дактилокарталарини;
- очилмаган жиноятлар содир этилган жойлардан олинган излар бўйича - оператив қизиқиш уйғотувчи шахсларнинг дактилокарталарини;
- базада мавжуд бўлган дактилокарталар бўйича - очилмаган жиноятлар содир этилган жойлардан олинган изларни;
- изхонада базасидаги излар бўйича - очилмаган жиноятлар содир этилган жойлардан олинган изларни.

АДИТ «ПАПИЛОН» ёрдамида фамилия бўйича ҳисоблар, шахсларнинг ёши, жинси ва бошқа белгилари бўйича ҳисобларни бажариш мумкин. Барча турдаги текширувлар белгиланган кетма-кетликда, аниқ вазифаларни белгилаб олиб амалга оширилади. Бир дона аниқ изни текшириш вақти тахминан 1 минут бўлади, бир изни оддий режимда кодировка қилиш 10-15, автомат режимда эса 4-5 минут бўлади.

Юқоридагиларга асосланиб эксперт криминалистика хизмати

⁴⁰ Қаранг: АДИС «СОНДА-ПЛЮС» (версия 3. 40). Методические указания эксперту-криминалисту. - М., 1995.

ИИВ Академияси 2-ўқув курси тингловчиси.

фаолиятига замонавий ахборот коммуникация тизимларини жорий этишни янада такомиллаштириш мақсадида, фикримизча қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- вилоятлар ва туман ИИБларини ИИБ ЭКМга махсус каналлар орқали уланган «ПАПИЛОН» АДIT ўрнатилган компьютерлар билан жиҳозлаш;

- тезкор-қидирув, йўл-патруль ва патруль-пост каби хизматлар, ҳамда ҲООБларининг ҳудудлардаги МТПларини АДITнинг мобиль тизимлари билан таъминлаш;

- ушбу хизматлар ходимларида бармоқ изини олиш бўйича етарли даражада амалий кўникмалар ҳосил қилиш мақсадида уларни малака оширишини ташкил қилиш.

Ушбу вазифаларни амалга оширилиши - республика миқёсида жиноятларни «иссиқ изи»дан очиш самарадорлигини кескин ошириш, профилактик ҳисобга олиш ва ҳуқуқбузарларни бармоқ изларини тезкор солиштириш ҳамда эксперт криминалистик хулосаларни автоматлаштириш, мутахассисларнинг иш вақтини тежаш, экспертларнинг тезкор ҳаракатчанлигини ошириш ҳамда вазирлик тизимидаги барча хизматларнинг жумладан, эксперт-криминалистика хизматининг иш самарадорлигини ошириш имконини беради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Yugai, Lyudmila Yuryevna. "The use of biometric identification in countering crime." Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities 2.1.4 Legal sciences (2022).
2. Югай, Л. Ю. "Биометрическая идентификация личности по изображению лица человека: опыт Республики Узбекистан." (2023).